



**15-16 APREL
2022**

**TOSHKENT
O‘ZBEKISTON**

**“GEOGRAFIK TADQIQOTLAR: INNOVATSION G‘OYALAR
VA RIVOJLANISH ISTIQBOLLARI”**

XALQARO ILMIY-AMALIY KONFERENSIYA



**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI OLIIY VA O‘RTA MAXSUS TA‘LIM
VAZIRLIGI
MIRZO ULUG‘BEK NOMIDAGI O‘ZBEKISTON MILLIY UNIVERSITETI**

**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI FANLAR AKADEMIYASI
G.O. MAVLONOV NOMIDAGI SEYSMOLOGIYA INSTITUTI**

O‘ZBEKISTON GEOGRAFIYA JAMIYATI

**“TADQIQOT.UZ”
XALQARO ILMIIY JURNALLAR PORTALI**

**GEOGRAFIK TADQIQOTLAR:
INNOVATSION G‘OYALAR VA RIVOJLANISH
ISTIQBOLLARI**

**II
XALQARO ILMIIY-AMALIIY KONFERENSIYA
MATERIALLARI**

TO‘PLAMI

Toshkent - 2023

Geografik tadqiqotlar: innovatsion g'oyalar va rivojlanish istiqbollari:
II Xalqaro ilmiy-amaliy konferensiya materiallari to'plam (15–16-aprel, 2022-yil, Toshkent). –Toshkent.: TADQIQOT.UZ, 2023. – 847 bet.



<http://doi.org/10.5281/zenodo.4751426>

To'plamda keltirilgan ilmiy tadqiqot ishlari natijalaridan tabiiy geografiya, atrof-muhitni muhofaza qilish va tabiiy resurslardan oqilona foydalanish, iqtisodiy va ijtimoiy geografiya, xorijiy mamlakatlar iqtisodiyoti va mamlakatshunoslik, tashqi iqtisodiy faoliyat, turizm, gidrologiya, gidrometeorologiya, geologiya, geodeziya, kartografiya hamda geoinformatika sohalaridagi mutaxassislar, ilmiy xodimlar, mustaqil izlanuvchilar, doktorantlar, magistratura va bakalavriat talabalari, umumiy o'rta ta'lim maktablari, o'rta maxsus, kasb-hunar ta'limi muassasalari o'qituvchilari hamda geografiya faniga qiziquvchilar foydalanishlari mumkin.

Tahrir kengashi:

g.f.d., professor Hikmatov F.H.
g.f.d., katta ilmiy xodim Rafiqov V.A.
g.f.n., dotsent Sharipov Sh.M.

Kengash a'zolari:

g.f.n., dotsent Tashtayeva S.K.
g.f.n., dotsent Shomurodova N.T.
PhD, dotsent Shomurodova Sh.G'.
PhD, dotsent Prenov Sh.M.
PhD, dotsent Raxmonov D.N.
PhD, dotsent Raxmonov K.R.
PhD, dotsent Umirzoqov G'.O'.

Mas'ul muharrir:

Ibragimov Sh.U.

©Mualliflar jamoasi

©tadqiqot.uz

СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ ФИТОТОПОНИМЛАРИНИ ЎРГАНИШНИНГ ГЕОГРАФИК АҲАМИЯТИ

Умарова Махбуба Ҳамроевна

катта ўқитувчи

Термиз давлат университети

Аннотация: мақола Сурхондарё вилоятида ўсимлик номлари асосида пайдо бўлган географик жой номларини ўрганишга бағишланган бўлиб, унда вилоятдаги фитотопонимлар билан боғлиқ атамалар қандай қилиб жой номлари вазифасини бажариши мисоллар ёрдамида таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: жой номлари, топоним, фитотопоним, топоформант, ўсимлик тури.

GEOGRAPHIC IMPORTANCE OF STUDYING PHYTOTOPONYMS OF SURKHANDARYA REGION

Umarova Makhbuba

Abstract: The article is devoted to the study of geographical place names based on plant names in Surkhandarya region, in which the terms related to phytotoponyms in the region are analyzed with the help of examples using examples.

Keywords: place names, toponyms, phytotoponyms, topoformant, plant type.

Сурхондарё вилояти табиий-иқлим шароитининг мураккаблиги ҳудудда ўзига хос ўсимлик қопламани шаклланишига олиб келган. Ўсимликлар (кенг маънода) азал-азалдан инсонларнинг иқтисодий, маданий, хўжалик, умуман, турмуш тарзида алоҳида ўрин эгаллаб улардан инсон ҳаётида хомашё (қурилиш материали, ўтин, озуқа ва х.) сифатида фойдаланган бўлса, чорвачилик билан шуғулланадиган халқларда эса мўл-кўл озуқа базаси ҳисобланган. Айрим доривор ўсимликларнинг халқ табobatiда ўрни алоҳида аҳамият касб этганлиги ҳам маълум. Демак, инсоният турмушини ўсимликлар оламидан ажратиб қараш мумкин эмас. Чунки инсон ҳам, ўсимликлар ҳам табиатнинг ажралмас қисмларидир, мазкур инсон ва ўсимликлар олами ўртасидаги муносабатлар бир неча қишлоқ ва аҳоли пунктларининг номланишида ўз ифодасини топган

Жой номларининг таркиб топишида ўсимликлар билан боғлиқ ҳолда вужудга келган фитотопонимларни Сурхондарё вилоятининг деярли барча ҳудудларида учратиш мумкин. Мазкур жой номлари орқали ҳудудда учрайдиган ўсимликлар дунёси характери, уларнинг аниқ миқдори ва тури ҳақидаги маълумотларга эга бўлиш мумкин. Ушбу турдаги топонимларнинг пайдо

бўлишида ўсимликларни ўзига хослиги билан бирга, уларнинг умумий хусусиятлари ҳам муҳим аҳамият касб этган. Ўтмишда инсон ҳаёти ва фаолияти ўсимлик дунёси билан кўпроқ боғлиқ бўлганлиги боис бу турдаги номлар анча қадимий ҳисобланади. [7, 85 б]. Сурхондарё вилоятининг Андизли, Бойтут, Боғчорбоғ, Гужумли, Чим, Чорбоғ каби топонимлари ҳам кўхна тарихдан далолат беради [4, 98 б].

Мутахассис олимлар фитотопонимларнинг ясалишида мевали ва мевасиз дарахт номлари, ўт-ўлан, кишлоқ хўжалиги экин турлари билан боғлиқ ўсимлик номлари иштирок этишини қайд этиб ўтадилар. М.Миракмалов тадқиқотларига кўра, жийда (Жийдали), тол (Қатортол), тут (Яккатут), қайрағоч (Бешқайрағоч), олма (Олмазор), чинор (Мингчинор), терак (Қўштерак), ўрик (Ўрикли), бодом (Бодомзор) каби ўсимликлар жой номлари таркибида топотерминлар сифатида кўп учрайди. [6, 88 б]. Бу каби хусусият Сурхондарё вилояти жой номларида ҳам акс этган.

Вилоятнинг боғдорчилик ва деҳқончилик ривожланган воҳаларда фитотопонимларнинг катта қисми мевали дарахтлар ва экинларнинг номлари билан боғлиқ шаклда учрайди ва ўсимлик олами турларини ифода этади.

Топонимикага оид тадқиқотларда фитоторонимларни семантик жиҳатида қараб бир неча гуруҳга бўлиб ўрганиш анъанага айланган. Хусусан, З.Дўсимов Хоразм топонимиясида ўсимлик ва дарахт номи билан аталувчи топонимларни фитонимик тип (фитотопоним) термини остида таҳлил қилган. Тадқиқотчи уларни: дарахт, экин турлари, ёввойи ўсимликларнинг номи билан аталган фитотопонимлар деб учга бўлиб ўрганган [3.99-100].

Юқоридагилардан келиб чиқиб вилоят фитотопонимларини дарахт ёки ўсимликларнинг турига кўра қуйидаги гуруҳларга бўлиб ўрганиш мумкин:

1. Ўсимлик номлари билан аталган турар жой номлари: *Қораянтоқ* (Жарқўрғон. т.), *Андизли* (Бойсун ва Шеробод т.), *Пудинали* (Бойсун т.), *Қизилқиеқ* (Жарқўрғон. т.), *Чўкирли* (Қумқўрғон т.) каби.

2. Дарахт номлари билан аталган жой номлари: мева берадиган ва мевасиз дарахт номлари билан боғлиқ жой номларидан иборат.

Вилоятнинг дарахт номлари билан боғлиқ топонимларининг таркибида қайрағоч, чинор, тол, терак каби дарахт турини белгиловчи қўшимчалар кўрсатилади. Жумладан,

А.Мевасиз ёки манзарали дарахт номлари билан аталган тураржой номлари:

-қайрағоч сўзи билан: Қўшқайрағоч, (Сариосиё. т.),

-тол сўзи билан: Бештол (Бойсун т.), Яккатол (Бойсун т.), Мажнунтол (Узун т.),

-чинор сўзи билан : *Чинор* (Сариосиё т.) Чинор (Қизирик т.), Мингчинор (Олтинсой т.),

-терақ сўзи билан : Якка терақ (Қизирик т.), Терақ (Узун т.),

Б. Мевали дарахт номлари билан аталган тураржой номлари:

Ўз навбатида мевали дарахт номларини мева турига қараб ҳам гуруҳларга ажратиш мумкин. Масалан,

- жийда сўзи: *Жийдали* (Денов т., Қумқўрғон т.), *Чилонзор* (Бойсун т.), кабилар.

-тут сўзи: *Қоратут* (Шеробод т.), *Яккатут* (Бойсун ва Олтинсой т.), *Тутак* (Сариосиё т.) *Шотут* (Узун т.) сингарилар.

-писта сўзи: *Пистомозор* (Шўрчи т.), *Қулписта* (Сариосиё т.)

-анор сўзи: *Анорбулоқ* (Бойсун т.)

-олма сўзи: *Себзор* (Денов т.), *Қизил олма* (Музработ т.), *Олмазор* (Сариосиё ва Олтинсой т.), *Қизилолма* (Шеробод т.),

-узум сўзи: *Узумзор* (Олтинсой т.),

-бодом сўзи: *Дебодом* (Сариосиё т.) сингарилар.

Сурхондарё вилояти фитотопонимларини таҳлил қилганда мазкур ҳудудда –ли, лик, –зор қўшимчалари орқали шаклланган топонимлар ҳудуддаги ўсимлик турининг маълум миқдорини билдиради. Уларнинг ясалишида топоформантларнинг салмоғи катта бўлиб, энг кўп учрайдиган қўшимчали содда номлар - *ли*, *-лик*, *-ча*, *-ак*, *-зор*, *-кор*, *-он*, *-ён*, *-чи* билан ясалган вариантларда учрайди. Фитотопонимларда –зор аффикси билан боғлиқ жой номларининг улуши бошқа қўшимчаларга нисбатан кўпчиликни ташкил қилади. Жумладан, “Майсазор” (Сариосиё тумани), “Узумзор”, “Олмазор” (Олтинсой тумани) каби.

Бу каби фитотопонимлар ёрдамида маълум ҳудудда тарқалган ўсимлик турлари ҳақида, шу билан бирга, айрим ўсимликларнинг оз-кўплиги, сони, миқдори, илгари шу турдаги ўсимлик тури кенг тарқалганлиги ҳақида ҳам маълумот билиб олса бўлади. Хусусан, Шўрчи туманидаги *Толли*, Бойсун туманидаги *Яккатол*, Сариосиё туманидаги *Яккатерақ* сингари жой номлари ҳудудда ўсимлик сонининг чекланганлигини ифода этади.

Ўсимликнинг кўп эканлигини билдирувчи топонимлар таркибида “минг”, “ҳазор” “тўп”, “қатор”, “гала” сингари сўзлар мавжуд бўлади: Мингўрик, Мингчинор, Ҳазорбоғ, Тўптол, Тўптерақ, Қатортол, Галабутта сингари. Таҳлиллар шуни кўрсатадики, ўсимлик турининг кўплиги бир неча усуллар орқали англатилади. Масалан, қишлоқ номлари таркибида -ли, -лик, -лик, -зор, -истон қўшимчалари орқали шаклланган топонимлар ҳам ўсимлик турининг маълум ерда бошқа объектларга нисбатан кўпроқ учрашлигини билдиради:

жумладан, Чақишли (Термиз ва Шеробод т.), Пудинали (Бойсун т.), Пашмакли (Шеробод т.), Жўробзор (Шеробод т.), Дибодом (Сариосиё т) ва ҳ.к.

Баъзан ўсимлик (ёки дарахт) турининг кўплиги эмас, аксинча, оз (ёки санокли, ёлғиз) бўлиши ҳам маълум бир жойнинг номлашга асос бўлиши мумкин. Бу хусусият ўша ернинг номланишида мотив вазифасини бажаради. Худуддаги Чилонзор, Жийдали, Бодомзор, Олчазор, Олчабулоқ, Пидана, Еттитерак шулар жумласидандир[4, 132 б].

Демак, фитонимлар асосида шаклланган топонимлар таҳлили шу ном билан аталган жой ҳақида маълум бир тасаввур ҳосил қилиш имконини беради, бундай номларда қадимий халқимиз урф-одатлари, қадриятлари ҳам ўзида этган. Бу типга кирадиган жой номларини ўрганиш фақат география фани учун эмас, балки геология, биология каби табиий фанлар учун ҳам қимматли маълумотлар беради.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Аҳмадалиев Ю.И. Фарғона вилояти топонимлари.-Фарғона, 2009-140 б.
2. Басик С. Н. Общая топонимика.-Минск, 2006-200 с.
3. Ғуломов П.Н., Миракмалов М.Т. Топонимика ва географик терминшунослик. – Т.: 2005.
4. Турсунов С. Сурхондарё вилояти топонимлари.- Тошкент: Адиб, 2008-140б.
5. Қораев С. Ўзбекистон вилоятлари топонимлари. -Тошкент: Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси”, 2005.-240 б.
6. Ҳакимов Қ. Жиззах вилояти топонимлари.- Жиззах: Сангзор, 2014-205 б.
7. Ҳакимов Қ.М., Миракамалов М. Т. Топонимика.- Тошкент: 2020-355 б.